

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.F.01.14 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСРОИЛОВ АББОСБЕК АДИЛЖАНОВИЧ**

**ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**09.00.06 – Ғоялар тарихи ва методологияси**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract  
of Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

**Исроилов Аббосбек Адилжанович**

Янгиланаётган Ўзбекистонда миллий ғояни ривожлантириш истиқболлари.....5

**Исроилов Аббосбек Адилжанович**

Перспективы развития национальной идеи в обновляемом Узбекистане.....21

**Israilov Abbosbek Adiljonovich**

Prospects for the formation of national idea in new Uzbekistan.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....46

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.01.14 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСРОИЛОВ АББОСБЕК АДИЛЖАНОВИЧ**

**ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**09.00.06 – Ғоялар тарихи ва методологияси**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Fal610 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон миллий университети веб-сайти (www.nuu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қурбонова Лола Абдулходимовна**  
фалсафа фанлари доктори, (DSc)

**Расмий оппонентлар:**

**Мавлонов Журабек Ёркул ўғли**  
сиёсий фанлари доктори, (DSc)

**Хакимов Назар Хакимович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc03/30.12.2019.F.01.14 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_: \_\_ даги \_\_-сон мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй, Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройи, Кичик мажлислар зали. Тел.: (+99871) 246-52-74; факс: (+99871) 246-02-24, e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24. Факс: (+99871) 246-53-21. (+99871) 246-02-04. Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биноси, 2-қават анжуманлар зали.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**Н.А.Шермухамедова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, фалсафа  
фанлар доктори, профессор

**О.М.Мухаммадиева**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, фалсафа  
фанлари номзоди, доцент.

**Ж.Ё.Мавлонов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий  
семинар раиси, сиёсий фанлар  
доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда миллий ғоя халқлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимояси, давлат бошқаруви, тафаккур услуги, миллий анъаналар, урф-одатларининг ифодаси сифатида ривожланмоқда. Учинчи минг йилликда миллий ғоянинг халқларни бирлаштирувчи функциясининг аҳамияти сиёсий кучларнинг дунёни бўлиб ташлаш ва ҳукмронлик қилиш мақсадида олиб борилаётган мафкуравий кураш, диний радикализм, кибертерроризм, оммавий маданиятнинг барча турлари ва ижтимоий тенгсизликка қарши кураш воситаси сифатида ошмоқда. Шу боис, ижтимоий тармоқларда миллий ғоя тарғиботини ташкил қилишнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш ва улардан амалиётда фойдаланишнинг янги методологик ёндашувларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёда миллий ғоянинг тарихий ва ижтимоий омиллари, оммавий онгга таъсир даражаси, халқлар ва миллатларни бирлаштирувчи куч сифатидаги аҳамияти, маънавий ҳаётни ўзгартиришдаги роли, миллатлараро ва давлатлараро тинчликни таъминлашдаги ўрнини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Миллий ғоянинг халқни халқ, миллатни миллат сифатида ривожлантиришда бирлаштирувчи куч эканлигини тарихий жараёнлар таҳлили асосида асослаш, янги ижтимоий муносабатлар тизимини ташкил этишда миллий ғоянинг ижтимоий онгга таъсир этувчи механизмларини такомиллаштиришнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” барқарорликка эришишнинг йўл харитаси сифатида амал қилмоқда, халқаро ҳамжамият Ўзбекистондаги ислохотларнинг халқ манфаатлари ҳимоясини таъминлашга йўналганлигини тан олмоқда. Мудофаа-саноат комплексини ривожлантириш Давлат дастурининг қабул қилиниши, миллий мафкуравий тизимни ғоявий асосига эга бўлиш заруриятини аниқламоқда. Зеро, “Пировард мақсад-халқимиз учун тинч ва осуда, эркин ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборатдир”<sup>1</sup>. “Бу борада ҳали - бери қилинадиган ишлар бисёр, зеро бугунги кунда дунёқараши кенг, маънан баркамол инсонни шакллантиришга хизмат қилувчи ғоявий тарбия механизмининг таъсири камайгани сезилмоқда”<sup>2</sup>. Шу боис, Янги Ўзбекистонда миллий ғоянинг тинчликпарвар, яратувчанлик руҳига таянган ҳолда унинг ижтимоий тараққиёт омили сифатидаги функциясини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 31 декабрдаги ПҚ-5040-сон “Узлуксиз маънавий-

<sup>1</sup> Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири саволларига жавоблари. 2021 йил 18 август.

<sup>2</sup> Мирзиёев.Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “Ўзбекистон” –2021. -272б.

маърифий ишлар тизимини тубдан ислоҳ қилиш, эзгулик ва инсонпарварлик тизимига асосланган миллий ғоя концепцияси асосида таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш тўғрисида”, 2020 йил 10 январдаги ПҚ-4565-сон “2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва мавзуга оид бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тарғиботчи вазифасини ўтайди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган “Маънавият – инсонни улғайиш ва куч-қудрат манбаи”, “Мустақиллик – маънавий тикланиш ва юксалиш”, “Маънавиятга таҳдид-ўзлгимиз ва келажагимизга таҳдид”, “Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар”, “Энг буюк жасорат-маънавий жасорат” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Янги Ўзбекистон Стратегияси ва ундаги “Халқпарвар давлат”, “Адолатли ижтимоий сиёсат”, “Маънавий тараққиёт” “Хавфсизлик ва ташқи сиёсат”, “Ўзбекистон ва умумбашарий муаммолар<sup>3</sup>” каби муҳим вазифаларни бажаришга оид концептуал ғоялар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Шарқнинг муқаддас манбаси “Авесто”да оила, наслнинг поклиги ва жамият ахлоқи учун муҳим бўлган ижтимоий қарашлар илгари сурилган. Абу Наср Форобий “фаровон давлат – халқнинг миллий ўз-ўзини англаши омили”, Абу Мансур Мотрудий “ҳуқуқий онгнинг жамият барқарор тараққиётини таъминлаш усули”, Абу Райхон Беруний “диний онг ва урф одатлар – миллат руҳининг ифодаси, Ибн Сино соғлом турмуш тарзи миллатни сақлаш ва асраш воситаси” эканлигини асослаганлар.<sup>4</sup> Ар Розийнинг “Давлатмандлик ва бахт иқбол ҳақида” номли рисоласида, жисмоний ва ақлий меҳнат мутаносиблигига эришишнинг, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида туркий халқларнинг саводхонлигини оширишнинг аҳамияти, Садриддин Айнийнинг “Қуллар” романида ғоявий манқуртлик ва ундан қутулиш йўллари, Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асарида миллатни асраш учун бирлашиш зарурлиги очиқ берилган.

Ғарб мутафаккирларидан Ф.Бэкон инсон ижодкорлиги жамият тараққиётининг манбаи, Декарт “шубҳа” ғоявий беқарорлик ва ҳаракат асоси, Вольтер миллат ғоясининг дунё ғояси билан мутаносиблигини таъминлашнинг зарурлигини асослаганлар. XX асрда америкалик олим

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “Ўзбекистон” – 2021. -96.

<sup>4</sup> Ўша асар. -Б.16.

У.Жеймс “Америка руҳияти”да оммабоп ғоялар диний, фалсафий ва илмий ғоялар билан бирга ривожланишини очиб берган.

МДХ олимлари В.М.Петрова МДХ давлатларининг ривожланишида миллий ғоянинг ролини, Т.Зыкова, Т.Шадрин Россия миллий ғоясининг муваффақият коди сифатидаги стратегик аҳамияти, В.Г.Федотова Россия ва унинг Ғарбида кадриятларнинг ўзгаришига таъсир этувчи бузғунчи ва бунёдкор ғояларнинг ўрни, В.В.Согрин Америка тарихига рус миллатининг таъсири, Л.Ионин миллий ғоявий мурасасизлик психологияси, Татаристон олимларидан М.И.Ибрагимов, А.И.Киямова Татаристон миллий бирдамлик ғояси, Т.Г.Окришвили Татар миллий ғоясининг назарий ҳуқуқий асослари<sup>5</sup>, қирғиз олими К.К.Иманалиев Қирғизистон давлатининг миллий-ғоявий ва этносиёсий тараққиёти, А.Холиқов Тожикистонда миллий ғоя ривожланишининг янги босқичи, А.С.Жаносинова Қозоғистон миллий стратегияси<sup>6</sup>нинг таҳлилига оид илмий изланишлар олиб борганлар.

Ўзбекистонда Ж.Туленов,<sup>7</sup> С.Шермухамедов<sup>8</sup>, А.Эркаев<sup>9</sup>, Ж.Яхшилик<sup>10</sup>, Қ.Куранбаев<sup>11</sup>, Ў.Абиловлар<sup>12</sup> миллий ғоянинг тарихий аҳамияти, ғоявий асослари, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ролини, Л.Қурбонова миллий ғоянинг индивидуал онга таъсири ва унинг ўзгарувчан характери<sup>13</sup>, Ж.Мавлонов модернизация жараёнларида миллий ғоянинг етакчилик роли<sup>14</sup>, Н.Мусаева диний ғояларнинг дунёвий ғоялар билан мутаносиблиги<sup>15</sup>, Ф.Юлдашева миллий ғоянинг инновацион жараёнлар билан мутаносиблиги<sup>16</sup>, Н.Шермухамедова

<sup>5</sup>Петрова М.В. Парадигмы русской национальной идеи: История и современность: дисс.доктора политических наук. –Москва: 2003.-С.7.;

Зыкова Т., Шадрин Т. Российская газета-федеральный выпуск №114(5787). ;

Федотова В.Г. Фактор ценностных изменений на Западе и в России//Вопросы философии,2005.№11.-С.3.  
Согрин В.В. Идеология в американской истории. –М.:-ПРЕСС, 2001.-222с. Ионин Л.Культурный шок: конфликт этнических стереотипов// [Психология](#) национальной нетерпимости. М.: Харвест, 2003.-287с.;  
Ибрагимов М, Киямова А. Проблема в национальном в трудах татарских учёных и публицистов в начале XX века. Вестник ТГГПУ. 2016.№1(43);

Окарашвили Т.Г. Российская национальная идея, теоретико-правовое исследование. //Социально политические науки. 2018. №2.

<sup>6</sup>Иманалиев К.К. Проблемы и перспективы этнополитической консолидации в Кыргызской Республики: дисс.доктора политич.наук. –Бишкек: – 2019. -С.21.

Холиқ А. Новый этап формирования национальной идеи в Таджикистане. Ахбори ДДХБСТ №2(32), 2009

Жаносинова А.С. Национальная стратегия Казахстана: гражданская идентичность или этническая идентичность-время выбора // [российские](#) регионы-взгляд в будущее 2016№3(8).

<sup>7</sup> Туленов Ж.Қадриятлар фалсафаси. –Тошкент: – 1998.

<sup>8</sup>Шермухамедов С. Миллий маънавиятимиз ва жаҳон маданиятининг бир-бирини бойитиши ҳақида. – Тошкент: “Фан” 1991.

<sup>9</sup> Эркаев А. Тафаккур эркинлиги мезонлари. –Тошкент: “Тафаккур” журнали. 2006.

<sup>10</sup> Яхшилик Ж. Миллий ғоя. –Самарқанд: СамДУ, 2018.

<sup>11</sup> Куранбаев Қ, Абдурахманов Б. “Юксак маънавият енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича ўқув қўлланма. –Тошкент: “Маънавият” 2010.

<sup>12</sup> Абилов Ў. Ўзбекистон тараққиёти: оптимизм, маънавият, мафкура ва тафаккур эволюцияси. –Тошкент: 2022.

<sup>13</sup> Қурбонова Л. Антропология ва элитология ўзаро муносабатларининг фалсафий методологик хусусиятлари. –Тошкент: 2021.

<sup>14</sup> Мавлонов Ж. Давлат ва жамият бошқарув тизимида сиёсий коммуникациялардан фойдаланиш масалалари. –Тошкент: 2021.

<sup>15</sup> Мусаева Н. Имом Бухорийнинг “Ал-Жомий-ас-сахих” асарида ижтимоий антропология масалалари. – Тошкент: 2021.

<sup>16</sup> Шермухамедова Н. Фалсафага кириш. –Тошкент: “Ношир” 2022.

ғоявий етуклик ижтимоий фаоллик ва ижтимоий масъулият уйғунлигида намоён бўлишини<sup>17</sup>, С.Агзамходжаева миллий ғоянинг идеал жамият ва тараққиёт мезони<sup>18</sup>, Н.Х.Ҳақимов иқтисодий барқарорликнинг аҳамияти<sup>19</sup>, О.Муҳаммадиева, Н.Нишонова, Б.Тўйчиев, Ф.Мусаев, Д.Норкулов, Б.Очилова, А.Мухтаров, Ж.Яхшилик, М.Ҳайдаров, О.Мусаев<sup>20</sup> каби олимлар демократик ислохотлар, оила барқарорлиги, гендер тенглиги инсон камолотининг маънавий ва ғоявий омиллари эканлигини очиб берганлар.

Адабиётлар таҳлилида миллий ғоя ривожини барча даврларда олимлар ижодининг диққат-эътиборида бўлганлиги, ҳар бири ўз миллати ва давлат бошқаруви нуқтаи назаридан миллий ғояга таъриф берган. Ушбу илмий тадқиқот ишида миллий ғояни ривожлантириш истиқболларини аниқлаш ва уларнинг аҳамиятини асослашга ҳаракат қилинган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация Андижон давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистонда жамиятни модернизация қилишнинг фалсафий жиҳатлари” мавзусидаги илмий йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Янги Ўзбекистон стратегиясидаги хавфсизлик, маънавий тараққиёт, кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини таъминлашга оид йўналишларнинг аҳамиятини халқ онгига сингдиришда миллий ғоянинг бошқарувчи функциясидан фойдаланишнинг заруратини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

миллий ғоянинг халқлар ва миллатларни бирлаштирувчи куч функциясининг давлат бошқаруви бош омили сифатидаги фалсафий аҳамиятини очиб бериш;

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар халқ манфаатлари ифодаси сифатида миллий ғоянинг мақсадларини мужассамлаштирганлигини асослаш;

давлат тарихи ва хорижий тажрибани қиёсий таҳлил этиш орқали миллий ғоянинг фалсафий, илмий ва ижтимоий меъёрларини асослаш;

миллий ғоянинг тарғиботида “халқ дипломатияси” имкониятларидан фойдаланишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Янги Ўзбекистонда миллий ғоянинг амал қилиш механизмлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги халқ фаровонлигини таъминлашга оид ғоялар, ижтимоий жараёнлар ва илмий тадқиқотлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда диалектиканинг умумий ўзаро алоқадорлик, тарихийлик ва тизимли ёндашув тамойиллари, анализ ва синтез, умумлаштириш, қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

<sup>17</sup> Шермухамедова Н.А. Илмий ижод методологияси. –Тошкент: «Ношир» 2012.

<sup>18</sup> Агзамходжаева С. Миллий-маънавий баркамоллик асослари. – Тошкент: 2021.

<sup>19</sup> Ҳақимов Н.Х. История экономических учений. – Ташкент: Imzo print mediya group, 2022. 345 с. Ҳақимов Н.Х, Зулфиқоров Ш.Х, Қодиров Н.Н. Ўзбекистон янги тараққиёт босқичида. –Тошкент: “Иқтисодийёт” 2022.

<sup>20</sup> Мусаев О. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожини. – Тошкент: “Истиклол нури” 2016. -232б.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Янги Ўзбекистоннинг миллий ғояси ижтимоий тараққиётнинг механизми бўлганлиги сабабли, унинг халқ манфаатлари ҳимояси, муҳофаза қудрати, миллатлараро тотувликни такомиллаштирувчи давлат стратегияси, ижтимоий барқарорликка эришишнинг мантиқий изчил, авлодлараро давомийликни таъминловчи мафкура эканлиги илмий асосланган;

таълим ва тарбия тизимидаги маънавий-мафкуравий ислохотларнинг ижтимоий тараққиёт механизми сифатида “инсон – жамият - давлат” тамойилини ҳаётга жорий этиш орқали, ёшлар онгига қаратилган тажовузкор ғояларнинг олдини олиш, янги авлод ёшларининг ташаббусларини рағбатлантириш, элитар маданиятни оммалаштириш ва миллий ўз-ўзини англашнинг фалсафий омиллари миллий ғояда намоён бўлиши асосланган;

“Ҳар бир оила тадбиркор” стратегик ғояси миллий иқтисодий мувозанатни тартибга солувчи, унинг ҳаёт сифати кўрсаткичини белгиловчи, шунингдек, ижтимоий фаолиятнинг табиий детерминантлигини таъминловчи инсон капитали учун миллий ғоявий тарбия механизми эканлиги очиқ берилган;

“Ислом нурли маърифат дини” ғоясининг ижтимоий адолат мезони – виждон ва имон бирлигига эришиш, индивидуал онг даражасидаги ўз-ўзини англашнинг оммавий онг даражасига кўтарилишида давлат бошқаруви манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш омили ва миллий ғоянинг таркибий қисми сифатида амал қилиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

миллий ғоя халқ менталитети ва дунёқарашини шакллантирувчи куч сифатида тарихий ҳақиқатларга таяниши, келажакка мўлжал олиши ва унинг мақсади мамлакатнинг хавфсизлигини таъминлаш, жаҳонда ўз мавқеини тенглар қаторида тенг бўлиб ҳимоя қилишда намоён бўлиши очиқ берилган;

Янги Ўзбекистонда миллий ғоянинг “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиш”и эзгу мақсадининг ижросини таъминлаш, аҳолининг турли қатламлари орасида ишсизликни бартараф этиш, таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш механизми сифатида амал қилишига эришиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Халқпарвар миллий ғоянинг локомативи сифатида иқтисодий-миллий таянч бўлган инсон капитали ва унинг тарбияси, субъектив ҳодиса эмаслиги, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган халқнинг миллий манфаатларига тўла-тўқис жавоб берадиган объектив зарурият эканлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация мазмунининг ОАК рўйхатидаги махсус журналлар, хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолаларда ёритилганлиги, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, унда илгари сурилган илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан миллий ғоянинг инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг механизми, фуқароларнинг миллий ўз-ўзини англашда мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятини тушуниш, ёшлар онгида келажакка ишонч туйғусини шакллантиришга оид илмий тадқиқот ишларида, олимларнинг илмий маърузаларида, халқаро конференцияларни ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган ғоялар, таклифлардан ўрта махсус таълим тизимида “Тарбия” фани, олий таълим тизимида “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” бакалавр таълим йўналишида “Миллий ғояни ўқитиш методикаси”, “Этномаданият”, “Глобаллашув ва маънавий таҳдидлар” фанларининг мазмунини такомиллаштириш, талабалараро “Бунёдкор ғояларнинг ижтимоий аҳамияти” мавзусидаги танловларни ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Янгилаётган Ўзбекистонда миллий ғояни ривожлантириш истиқболларини аниқлаш ва унинг моҳиятини очиқ бериш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

Янги Ўзбекистоннинг миллий ғояси ижтимоий тараққиётнинг механизми бўлганлиги сабабли, унинг халқ манфаатлари ҳимояси, муҳофаза қудрати, миллатлараро тотувликни такомиллаштирувчи давлат стратегияси, ижтимоий барқарорликка эришишнинг мантиқий изчил, авлодлараро давомий мафкура эканлигига оид хулосалардан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг устувор вазифаларидан бири бўлган миллий-маънавий тикланиш ва юксалиш, миллий ғоя тамойилининг устуворлигини таъминлаш, жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга йўналтирилган амалий фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгашининг 2022 йил 14 июндаги 02/02-119-сонли маълумотномаси). Натижалар, партиянинг электорати билан тизимли фаолият олиб бориш, улар онгига миллий ғоя ривожининг асосий йўналишларини сингдиришнинг янги механизмларини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

таълим ва тарбия тизимидаги маънавий-мафкуравий ислохотларнинг ижтимоий тараққиёт механизми сифатида “инсон – жамият - давлат” тамойилини ҳаётга жорий этиш орқали, ёшлар онгига қаратилган тажовузкор ғояларнинг олдини олиш, янги авлод ёшларининг ташаббусларини рағбатлантириш, элитар маданиятни оммалаштириш ва миллий ўз-ўзини англашнинг фалсафий омиллари миллий ғояда намоён бўлишига оид хулоса ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказида “Маънавият сарчашмаси” ва “Миллий ғоя истиқболлари” номли ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг

2021 йил 12 ноябрдаги 03/08-1433-сонли маълумотномаси). Натижалар ўқув марказнинг таълим жараёнида миллий ғоя ривожининг йўналишларини асослашга оид услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш, янги ўқув адабиётларининг мазмунини бойитишга хизмат қилган;

“Ҳар бир оила тадбиркор” стратегик ғояси миллий иқтисодий мувозанатни тартибга солувчи, унинг ҳаёт сифати кўрсаткичини белгиловчи, шунингдек, ижтимоий фаолиятнинг табиий детерминантлигини таъминловчи инсон капитали учун миллий ғоявий тарбия механизми эканлигига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Нигоҳ”, “Муносабат” каби давра суҳбатларини ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 12 ноябрдаги 04-15/2230-сонли маълумотномаси). Натижалар индивидуал тадбиркорликни ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни оммалаштириш, ёш тадбиркорлар корпусини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш ва улардан фойдаланишга хизмат қилган;

“Ислон нури маърифат дини” ғоясининг ижтимоий адолат мезони – виждон ва имон бирлигига эришиш, индивидуал онг даражасидаги ўз ўзини англашнинг оммавий онг даражасига кўтарилиши давлат бошқаруви манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш омили ва миллий ғоянинг таркибий қисми сифатида амал қилишига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 2 декабрдаги 2-10-23-3028 сонли маълумотномаси). Натижалар, ёшлар онгида ўз ҳуқуқ ва мажбурияти, бурч ва масъулиятини билиш ва уларга риоя қилишга оқилона ёндашувини шакллантиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш нашр эттирилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, хорижий журналларда 2 та, республика ва халқаро конференция материалларида 8 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 135 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

“Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани,

апробацияси, нашр этилган ишларнинг сони, тадқиқотнинг тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Янгиланаётган Ўзбекистонда миллий ғоя ва мафкуранинг ижтимоий онгга таъсирини такомиллаштириш омиллари”** деб номланган биринчи бобида Янги Ўзбекистон бошқарувида миллий ғоя ва мафкуранинг маънавий-ахлоқий омиллари, ғоявий янгиланиш жамиятнинг муҳим мезони, миллий ғоянинг ижтимоий-маънавий тараққиёт жараёнларининг моҳияти таҳлил қилинган. Ҳар бир миллатнинг тарихан шаклланиб ва сайқал топиб борган, ўзига хос бўлган, миллий ғояси мавжуд бўлади. Ҳар қайси миллатнинг шаклланиши билан унинг ўзига хос миллий ғояси ҳам шаклланиб боради. Шунинг учун ҳам, “миллий ғоя” тушунчасининг том маъно-мазмунини озодлик, тинчлик, инсонийлик, меҳр-оқибат, Ватанга садоқат, фидоийлик, дўстлик ва бағрикенглик каби тарихан бойитилган энг олий қадриятлар ташкил этади. Зеро, 2021 йилда ташкил этилган Меҳр 1, 2, 3, 4, 5 инсонпарварлик операциялари инсон қадрини улуғлаш, адашганларни тўғри йўлга бошлаш, уларнинг яшаш ва ишлашига имконият яратишдир.

Муаллиф фикрича Янги Ўзбекистон Стратегияси – халқпарвар миллий ғоянинг локомативи сифатида иқтисодий-миллий таянч бўлган инсон капитали ва тарбиясида намоён бўлади. Унинг қонуний асослари шунчаки хоҳиш-истак ёки субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган ва мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган халқнинг миллий манфаатларига тўла-тўқис жавоб берадиган объектив заруриятдир.

Тадқиқотчи Россиялик сиёсатшунос олим К.С.Гаджиевнинг: “Жаҳон сиёсий майдонида мавқеи нисбатан баланд давлатлар ғоявий, ахлоқий ва бошқа қарашларини иккинчи даражали вазифа сифатида қараб, реал сиёсий воқеликда ўзларининг миллий манфаатларини белгилайдилар”<sup>21</sup>, деган фикрига қўшилган. Чунки манфаатларнинг ўзгариши билан жамият тузилмаларининг муносабатлари ҳам, уларнинг меъёрий принциплари, тарғибот воситалари ва талаблари ҳам такомиллашиб боради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг жамиятни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жиҳатдан эркинлаштириш ва тубдан янгилаш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш ва ислоҳ қилишни амалга оширишда фуқароларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини оммалаштириш ва кучайтириш тўғрисидаги тавсиялари мустақиллик даври ислохотларининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлди.<sup>22</sup>

Ҳозирги даврга келиб, давлатимизда ҳуқуқий тизимни барпо этиш, фуқаролик жамияти қуриш билан боғлиқ устувор йўналишлар ва “Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегиясисари” тамойилида истиқболли вазифалар белгилаб қўйилган. Шу маънода қонун бу, фуқаролар ўртасидаги ўзаро келишувдир. Миллий ғоя қонун устуворлигига таянади. Шу боис унинг расмийлаштириш, амал қилиш ва ижросини назорат қилиш

<sup>21</sup> Гажиев К. Жаҳон сиёсий маданияти. – Москва: «Беловодье» 2009. – С-26

<sup>22</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Тошкент: “Шарқ” 1998. – Б. 2.

тизими ҳамда жамоатчилик назорати фаолияти барча учун тушунарли бўлиши, жамиятнинг комиллик даражаси, давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва миллий ғоявий савиясини белгилаб беради.

Шунга асосан, жамиятимизда аввалдан шаклланган миллий ғоя ва мафкуранинг ҳаётий, ижтимоий-ғоявий моҳиятини чуқур очиб бериш уни янада бойитиш, ҳозирги куннинг илмий тадқиқот йўналишлари ва вазифаларидан бирига айланган. Шиддат билан ривожланаётган ҳозирги даврда, замонавий тафаккур даражасида, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш ва бунинг натижасида инсонлар турмуш даражасини тубдан ўзгартиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар, миллий мафкуранинг ҳаётбахш ғоялари ва уларнинг таъсирчанлигини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Жамиятнинг ривожланиб боришида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг, илғор тажриба ва технологияларини қўллаш натижасида, дунёнинг ривожланиб бораётган 10 та давлатлари қаторида Ўзбекистоннинг борлиги бунинг яққол исботидир.

Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва қарор топиши, унинг тақдири, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий майдондаги иштирокига бевосита боғлиқ бўлмоқда. Фуқароларнинг иштироки, улар онгида тенглик, эзгу қадриятларни мужассамлаштириш ва мустаҳкамлаш каби мақсадларни амалга ошириш ғоявий мақсад ҳисобланади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар, мамлакатда демократик мукамалликка эришиш борасида, миллий ғоянинг ҳаётий заминлари ҳисобланган маданий, диний, илмий ва амалий аҳамиятини интеграциялашдан иборатдир. Бу йўлда, давлат миқёсида, ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг узвийлиги ва уларнинг такомиллашуви, беҳато, объектив ва тизимли равишда амалга оширилишида, ҳукумат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари томонидан олиб борилаётган хатти-ҳаракатларнинг охириги натижаларини ифодаловчи миллий ғоявий дунёқараш масаласи салмоқли ўринга эга эканлиги, шубҳасиздир.

Янги Ўзбекистон модернизациялашган иқтисодиётга таянади. Унинг асоси ҳисобланган иқтисодий далиллар ва мисоллар эса, миллий ғоянинг ўзаги – мукамал иқтисодиёт эканлигини англатади. Ўзбекистонда демократик босқичларнинг шаклланиши ва амалга оширилиши, шунингдек, ижобий ёндашувларни таққослаш, амалга оширилаётган модернизация жараёнларининг асосий йўналишларини аниқлаш имконини яратади.

Ўзбекистонда йиллик аҳоли жон боши ўсиши 1,2-1,5 млн. кишини ташкил этмоқда. Ривожланган Европа давлатларида эса, бунинг аксини кўришимиз мумкин. Социалог олимларнинг тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистонда аҳоли жон боши 45 млн.га етганида ўсиш суръати бироз тушиши башорат қилинмоқда. Бу борада, давлатимизда аҳоли муаммоларини ҳал қилиш учун турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида, уй-жойга бўлган эҳтиёжни қондириш ва бу борада ҳукуматимиз томонидан қатор ижобий ишларни амалга ошириш, кам таъминланган ва ногиронларга

тегишли равишда субсидиялар, ҳомийлар ва тегишли ташкилот, корхона ва муассасалар томонидан турар жойлар билан таъминлаш ва обод манзилларга айлантириш, миллий ғоявий концепция даражасига кўтарилди. Ўз навбатида, шу каби эзгу-мақсадларга эришиш борасида фаолиятни серқирра ва тизимли ташкил этиш, меҳнат самарадорлигига эришиш, миллий-ғоявий ислохотларимизнинг мазмун-моҳияти ва устувор йўналишарини белгилайди.

Диссертациянинг **“Демократик ислохотлар даврида миллий ғояни татбиқ этишнинг стратегик вазифалари”** деб номланган иккинчи бобида миллий ғоянинг стратегик тамойилларга маърифий тамойиллари, Миллий уйғониш даври ғоявий таълимотлари ва тарғибот усуллари ҳамда ёшлар онгида янги Ренессанс ғояларини шакллантириш усуллари каби масалалар илмий асосга қўйилган.

Янги даврда янги Ўзбекистонни бунёд этар эканмиз, инсонлар онгида миллий, ғоявий тафаккурини шакллантириш муҳимлиги жамиятнинг ижтимоий тадқиқот объектига айланган. Бу борада кейинги беш йил ичида тегишли давлат қарорлари қабул қилинди.

Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг: “Агар жамият танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир, биз Янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси, бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт, иккинчиси аждодларимизнинг бой мероси ва миллий кадриятларга асосланган кучли маънавият”<sup>23</sup> деган ғоясини иқтисодиёт ва маънавият бир-бири билан тақозоланганининг исботидир, деб ҳисоблайди. Бу борада барча таълим тизимида “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлар тўғрисида”ги ўқув курсларини жорий этиш, адолатли ижтимоий сиёсатни йўлга қўйиш, “Ўзбекистоннинг 2022-2032 йилларга мўлжалланган маънавий-мафкуравий тараққиёт режаси”ни ишлаб чиқиш ва уни давлат ижтимоий ғоявий сиёсатининг таркибий қисмига айлантиришни талаб этмоқда.<sup>24</sup>

Янги ғоявий маконни яратишда ўтмиш аждодларимизнинг ғоявий қарашлари ҳеч қачон замондан ортда қолмаган. Шарқ уйғониш даврининг буюк мутафаккири Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида, одилона давлат тузиш ҳамда инсоният жамияти ҳақида билдирилган фикрларида, тараққийпарвар ғояларни ўзлаштирган, маънавий етук, маърифатли, таълим-тарбия кўрган, ноёб фазилатли инсонларнинг давлат ва жамият ривожига ҳисса қўшиши онтологик мисоллар билан асосланган. Демак, оила ва давлат тараққиётига, иқтисодиётнинг бутлигига соғлом фикрли, илм-маърифатли, эл манфаатини ўйлаб иш юритган, эл-юртига меҳр-садоқатли тадбиркор инсонлар ўз ҳиссасини қўшиш мумкин.

Ўзбекистонда мустақил ва кучли давлат қуришнинг асосий мақсади – инсоннинг ҳуқуқ, бурч ва эркинлиги олий кадрият ҳисобланиб, қудратли жамият қуриб, таълим, миллий ғоя ва маърифат тизимини такомиллаштириш, ёш авлодни замонавий билим олишга йўналтириш орқали баркамол шахсни вояга етказишдан иборатдир. Янги Ўзбекистонни

<sup>23</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021й. – Б.128.

<sup>24</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021. – Б.273.

барпо этишда янгича дунёқарашга эга бўлган, маънавий баркамол, илм-маърифатли, соғлом фикрли ёшларнинг садоқати янги тараққиётни юқори босқичга юксалтириш учун замин бўлди.

Биз яратаётган Янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Тарихга назар ташласак феодализм, капитализм ва марксизм ғоялари, шунингдек коммунизм ғояларининг инъикосида тарих ва тафаккур кризисини кузатиш мумкин бўлади. Янги ва эски давр кризиси айнан эҳтиёжманд ғояларни давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб, сиёсий ёки маданий ифодага эга бўлган кўринишларда намоён этади ва бу ғоялар фашизм ёки бошқа қонли уруш ғояларидан устувор бўлади.<sup>25</sup>

Муаллиф фикрича, давлат мафкураси, энг аввало, халқ манфаатлари ҳимоясини таъминлаши ва унга эришиш йўлларини аниқ белгилаши лозим. “Ҳар бир оила тадбиркор”, “ислом нурли маърифат дини”, “инсон қадри учун”, “Инсон – жамият - давлат” каби эзгу ғоялар барқарор тараққиётни таъминлаш механизми сифатида амал қилади. Бироқ баъзи ҳудудларда халқ тинчлиги ва барқарорлиги хавфсизлигига таҳдидлар ҳам авж олмоқда, бу ички ва ташқи омилларда намоён бўлмоқда. Ўзбекистон манфаатларини ўйлаб яшаш каби стратегик мақсадларимиздан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепциясини такомиллаштириш ва ғоявий асосга қўйиш долзарб аҳамият касб этади. Ушбу воқеаларнинг ҳақиқат эканлигини, ён қўшни мамлакатимизда содир бўлган “Қозоғистон воқеалари”да кузатиш мумкин, бу, ўз навбатида, Ўзбекистон Президентининг олдиндан воқеликни баҳолай олиш даражаси нечоғлик аниқ эканлигини ҳам англатади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуришда миллий ғоянинг аҳамияти, уни ҳаётга татбиқ этиш ва Ўзбекистонда демократик жамият барпо этиш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишда миллий ғоянинг аҳамияти, уни халқ оммасига сингдириш омилларининг мазмун-моҳияти долзарб илмий тадқиқ масаласига айланди. Биз қураётган янги жамият, ҳаётимизга тобора кириб келаётган янгиланиш жараёнлари, ислоҳотларнинг тақдири ва келажаги, аввало, халқимизнинг бу ўзгаришларни тушуниб бевосита иштирокчисига айлангани жамиятимизда халқимизнинг хоҳиш иродасидан далолат беради.

Бунда тараққийпарвар жамият ғояларини молиялаштириш амалиётини кенгайтириш ҳамда ижтимоий соҳада новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш орқали янги босқичга олиб чиқиш ва тез суръатда ўзгаришларга мослашиш мумкин.

Ҳар қайси миллатнинг миллий ғояси, авваламбор, шу жамият аъзоларининг онги ва қалбида, миллатнинг тарихий ривожланиши орқали авлоддан авлодга ўтиб, янги ғоялар билан сайқал топиб боради. Булар: миллатнинг урф-одатлари, удумлари, тўй-маросимлари, халқ оғзаки ижодиёти, унинг фалсафий, диний, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, бадий,

<sup>25</sup> Матц У. Идеология как детерминанта политики в эпоху модерна // «Полис» 1992 №1,2. – С.132.

гўзаликка оид қарашлари ва менталитетида ғоявий жиҳатдан мужассамлашади.

**“Миллий ғояни ривожлантириш истиқболлари”** деб номланган учинчи бобда Янги Ўзбекистон стратегияси, халқпарвар миллий ғоянинг локомотиви (етакчиси) сифатида намоён бўлиши, жамият тараққиётида шахс руҳий камолотининг диний ва дунёвий мезонлари, шунингдек, миллий иқтисодиёт - миллий ғоя истиқболининг таянчи эканлиги очиб берилган.

Миллий ғоя миллатни олдинга етакловчи куч сифатида намоён бўлиши учун тарихий-маънавий омил бирламчи ҳисобланади. Бугун Ўзбекистонда Ислом цивилизацияси халқаро маркази қад ростламоқда. Миллий ғоя байроқдорларидан бири – Соҳибқирон Амир Темур ҳақида: Шарофиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Руи Гансалис де Клавихо, Жан Пил Ру, Жастин Мероцци, Кристофер Марло, Рене Груссе, Иван Бунин, Хрольд Лемб, Хильда Хукхем, Гильман Негел, Микейл Дойч, Жан Басе Граммон каби кўплаб олимлар, ёзувчи ва шоирлар, драматурглар асарлар битишган. Буюк аждодимизнинг ғоявий стратегияси тарихийлик нуқтаи назаридан талқин қилинган. Уйғониш даври маданиятида Амир Темур – жасур ва мард инсон, тенги йўқ шахс тимсолига айланиб, Ғарбий Европа тарихи ва адабиёти равнақида алоҳида ўрин эгаллаган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Темурийлар тарихи давлат музейида Амир Темур “Библиография Биринчи китоби” тайёрланиб, 2248 та ўзбек, 2085 та рус, 655 та инглиз, 221 та француз, 29 та араб, 76 та форс-тожик, 296 та турк тилида нашрдан чиқарилди. Бундан кўринадики, Соҳибқирон Амир Темурнинг инсоният тараққиётига ўзига хос маънавий йўлбошчи сифатида кўрсатган таъсири, унутилмас хизматлари дунё мафқурасида муносиб баҳоланиб келмоқда. Ватанимиз тарихидаги Иккинчи Ренессанснинг пойдевори ҳисобланган аждодларимизнинг ҳали очилмаган қирралари, ойдинлашмаган саҳифалари бениҳоя.

Ушбу тадқиқотлар жамият руҳий камолотининг пойдевори, диний ва дунёвий билимларнинг интеграциясига ҳамоҳанг равишда олиб борилиши учун хизмат қилмоғи, ватанимиз заминиде сақланиб келаётган осори атиқалар, диний обидалар, тарихий маълумотлар, нодир ёдгорлик бизни жаҳон халқларининг маданиятлари билан чамбарчас боғлайдиган “ғоявий туризм” занжирининг олтин ҳалқаси бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистондаги иқтисодий ҳаёт фаолияти ва инсон кадр-қиммати, фуқароларнинг мажбурий хизматга жалб этилмаслиги, ҳаёт фаровонлиги каби йўналишларда ижобий ишлар кўпайиб бормоқда. Камбағалликни қисқартириш сиёсати жамиятимизда, айниқса, қишлоқ аҳолисининг моддий-маънавий жиҳатдан камол топиши, иқтисодий бақувват, келажак учун ишонч билан дадил қадам ташлай оладиган комил инсонларни тарбиялашга ва мазмунли умр кўришига асос бўлади.

Бозор хўжалигига ўтиш даврида Ўзбекистон давлати сиёсий-ижтимоий, иқтисодий қийинчиликларга дуч келди. Ушбу қийинчиликларни ақл-заковат, илм-маърифат, содиқлик ва биродарлик билан енгиб ўтишида давлатимиз

миллий ғояси истиқболли мазмунга эга эканлиги, амалиётдаги самарали натижаси ўлароқ, мустқилликнинг 30 йилини мардонавор босиб ўтдик.

